

Президент Шавкат Мирзиёев қасамёд қилди



12:00 / 06.11.2021 2565

Ўзбекистон Конституциясининг 92-моддасига биноан, Ўзбекистоннинг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев қасамёд қабул қилди

Қонунчиликка кўра, Президент Олий Мажлис палаталари йиғилишида қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

Олий Мажлис Сенатининг янги биносида ўтказилаётган маросим аввалида Ўзбекистон Республикаси байроғи, президентлик белгилари, конституция ва муқаддас Қуръони Карим тантанали равишда олиб кирилди.

Сўнгра Шавкат Мирзиёев ўнг қўлини Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва муқаддас Қуръони Карим устига қўйиб, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳақида қасамёд қилди.

Давлат раҳбари барча юрtdoшларимизга билдирилган юксак ишонч учун миннатдорлик билдирди.